

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!

— 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили —

Ассалому алайкум, азиз мушистарий!



Ватан ягона,
Ватан биттадир

ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2024 йил 6 январ № 1 (8490)

Халқ депутатлари Кўштепа тумани Кенгашининг қарори

2023 йил 28 декабр

ВИ-62-114-11-157-К/23

Кўштепа туман ҳокимлиги

ҚЎШТЕПА ТУМАНИНИГ 2024 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари, «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги 2023 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 886-сон Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2023 йил 7 ноябрдаги 02-1160-сонли ва Иқтисодиёт ва мolia вазирлигининг 2023 йил 25 декабрдаги 01/30-2-1035-сонли хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳалқ депутатлари туман Кенгashi ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳалқ депутатлари Фарона вилояти Кенгашининг 2023 йил 28 декабрдаги «Фарона вилоятининг 2024 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВИ-63-125-11-0-К/23-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасига асосан, ишлаб чиқилган Ҳалқ депутатлари Фарона вилояти Кенгашининг 2023 йил 28 декабрдаги «Фарона вилоятининг 2024 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги юқоридаги қарорига мувофиқ, Кўштепа тумани маҳаллий бюджетининг 2024 йилги даромадлари 91 637,8 миллион сўм ва ҳаражатлари 210 991,4 миллион сўм ҳамда юқори бюджетидан ажратилидиган тартибиға солувчи бюджетлараро трансферлар 119 353,6 миллион сўм миқдорида, шундан, акциз солиги тушумлари ҳисобидан ажратилидиган маблағлар 35 290,8 миллион сўм миқдорида тасдиқланганлиги

маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қонун билан қўйидагилар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши:

Солиқ кўмитасининг ҳудудий орғанларини сақлаш ҳаражатлари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва мolia вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш ҳаражатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Ҳалқ қабулоналарини сақлаш ҳаражатлари; суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қўйидаги-

лар молиялаштирилиши:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек, сугориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш ишларига доир ҳаражатлар;

қасб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларни сақлаш ҳаражатлари, қўйидаги маҳаллий бюджетдан молиялаштириб келинаётган ҳаражатлар;

кам таъминланган оиласарга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамларни тूлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оиласавий болалар уйлари) сақлаш ҳаражатлари;

Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек, сув

омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш ҳаражатлари;

Ўзини-ўзи бошқариш органлари (маҳаллаларини) нодавлат нотижорат ташкилот ва бюджетдан маблағ олувичи сифатида сақлаш ҳаражатлари республика бюджетидан молиялаштириши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қўйидагилар:

Қўштепа тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2024 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага;

Қўштепа тумани маҳаллий бюджети харажатларининг 2024 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Қарорга кўра:

туман бюджети шахсий ғазна ҳисобвақларида турган бюджет маблағларининг 2024 йилда йўл қўйиладиган энг кам миқдори 885,0 миллион сўм этиб белгиланганлиги;

туман маҳаллий бюджетининг 2024 йил учун захира жамғармаси 1 871,0 миллион сўм (тасдиқланган туман маҳаллий бюджети умумий ҳаражатларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш маблағларидан ташқари қисмнинг камиди 1,0 фоизи) миқдорда шакллантирилиши;

вилоят, туман ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларини Бюджет кодексининг 73-моддасига мувофиқ, бюджет тизими бюджетлари шаклланти-

Давоми 2-бетда

Ҳар бир оила — тадбиркор

ИШ БИЛГАНГА ИМКОН БИСЁР

Интилиб, изланиб, ўзининг ҳам, юртининг ҳам бирини икки қилишга интилимоқ бугуннинг талабидир. Ижтимоий фаол инсон бу ҳақиқатни тан олиб меҳнатга астойдил кириша, мақсадига эришадиган замон келди. Валижон Рўзибоев ана шундайлар тоифасидан. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси сифатида ердан фойдаланиш илмини яхши билган Валижон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида қишлоқдан 30 сотих ер олиб, унинг 25 сотихида «Ҳалқ» банкидан 450 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил қилди. Ҳокимнинг маҳалладаги ёрдамчиси Маърифатхон Сайдова ёрдами билан қишлоқдан 10 нафар ишсиз аёлга иш ўрни яратди. Иссиқхонада помидор ва бодринг етиштиришнинг ҳаддини олган, ички бозордан ташқари маҳсулотни Россияга экспорт қилган тадбиркор ўтган йилнинг ўзида 150 миллион сўм даромад қилди.

— Оиласиз эҳтиёжидан ортирган даромадимиз ҳисобига ишимизни янада кенгайтириб, яна 10 та иш ўрни яратишни режалаштириб турибиз, — дейди Валижон.—Иссиқхонамизга 40 квтли қуёш панели ўрнатиб, адашмабиз. Бу йил 250 миллион сўм даромадни кўзлаб турибиз.

Суратда: тадбиркор Валижон Рўзибоев ишчи аёллар билан аррела ҳосил берадиган кўчатларнинг ҳолатини кўздан кечирмоқда; ҳоким ёрдамчиси Маърифатхон, кредит берган банк вакили Шуҳратжон Мирзаматовлар вақти-вақти билан “АРК Камол Зиё” масъулияти чекланган жасиятда бўлиб, меҳнат самаралари билан танишиб турадилар.



Матн ва суратлар муаллифи Баҳтиёржон Рўзиоҳунов

ҚЎШТЕПА ТУМАНИНИГ 2024 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮГРИСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

рилаётганда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иктисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилишини таъминлаш;

маҳаллий бюджетларни ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансферларнинг прогностиздан ошган қисми учун тегишли бюджетларнинг захира жамғармалари миқдорларига аниқлаштириш киритилмаслиги назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Қонун билан, халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқариша, хусусан, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидағи ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирганлиги инобатга олинисин.

Шунингдек, 2024 йилда:

а) қўйидаги солик турлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

айрим товарларнинг чакана савдо-сига бериладиган ҳуқук учун ундириладиган йифимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Узбекистон Республикасининг давлат бюджетига ундириладиган бошқа йифимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йифимлардан, филдиракли транспорт воситалари, ўзиорар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йифимида, шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида давлат бюджети даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

бўш турган давлат мулки обьектларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;

ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини сотишдан тушган тушумлар;

бошқа тушумлар (ушбу банднинг «в» ва «г» қисмларида назарда тутилган даромадлардан ташқари барча даромадлар, шу жумладан, бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шахар бюджетларига тушумлар) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилиши;

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиги ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан, пиво ҳамда тамаки учун акциз солигидан тушумлар 2023 йил 1 июл ҳолатига кўра туман ва шахар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши;

в) қўйидаги солик турлари: жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиги; жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги; айланмадан солик;

ж) тартиbdаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад

солиги;

давлат мулки бўйича ижара тўловларидан тушадиган тушумлар ҳамда бошқа тушумлар (фақат 3 450 950 даромад коди бўйича) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиғида ўтказиб берилиши;

г) қўйидаги солик турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджетига ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланishi:

куришиз материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солик турдан тушумларнинг барча шаҳар ва туманлarda 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Узбекистон Республикаси давлат бюджетига ундириладиган жарималарнинг вилоят бюджетига 70 фоизи шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига 30 фоизи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизел ёқилфиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солигидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманлarda 20 фоизи;

жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солигидан тушумlарнинг (якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солигидан ташқари) Фарғона шаҳрида 15 фоизи ҳамда барча шаҳар ва туманlarda 50 фоизи;

юридик шахслар ер ва мол-мулк солиги ҳамда сув ресурсларidan фойдаланганлик солигидан тушумlарнинг барча шаҳар ва тумanlarda 50 фоизи;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган тушумlар вилоят ҳамда шаҳар ва тумanlarda teng улушлarda 50 фоиз;

агар қонунчиликда маҳаллий бюджетlарга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланishi назарда тутилмаган бўлса, даромadnинг ушбу тури вилоят маҳаллий бюджетига ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosari A. Юнусов, туман Иқтисодиёт ва молия бўлими (И. Акбаров), туман солик инспекцияси (И. Марайимов) биргаликда 2024 йил маҳаллий бюджетига учун белгиланган тўрсатчиликларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш чорала-рини кўрсинг.

8. Белгилансинки:

Барча муассаса ва ташкилотлар томонидан 2024 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш, тегишили маҳаллий бюджетlарга соликлар ва бошқа мажбурий тўловlарнинг тўлиқ тушумini таъминлаш ҳамда бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигiga алоҳида эътибор қаратилсан.

9. Туман солик инспекцияси (И. Марайимов) Узбекистон Республикаси Солик кодексida белгиланган ваколатlаридан келиб чиқиб:

соликларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу соликларни ўз вақтида бюджеттага ундирилиши устидан солик назоратини ўрнатиш;

ер солиги, сув ресурslaridan фойдаланганлик учун солик ва мол-мулк соликлari бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, соликларнинг тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда

ушбу солик тўловлари бўйича солик қарздорлигига йўл қўймаслик чора-ларини кўриш;

айланмадан солик тури бўйича солик тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солик ҳисоботла-рида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солик назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солик назорати тадбир-ларини ўтказиши;

ер ва мол-мулк солигининг солик базасини ошириш, ѿни хатлов ишларини самарали ва мунтазам ташкил этиб бориш вазифалари юклatisin.

10. Туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosari A. Юнусов, тегишили корхона ва ташкилотлар раҳбарлари:

бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солик базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгilaш, бюджет маблағlariдан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш;

тегишилигига бўйича ҳудудий бюджет маблағlari тақсимловчilarнинг бюджет маблағlariдан самarali foydalaniishi ҳamda erishilgan natижalari bўyicha ҳisobotlariни xalq deputatlari maҳalliy Kengashlariга kiritib boriliшинi tayminlasin.

11. Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27декабрдаги «Махалла бюджет» тизимини жорий этиши орқали маҳаллalарнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадbirlar тўғrisida»gi ПҚ-458-сонли қарорига асосан 2024 йилдан барча ҳудудларда жисмоний шахslardan olinadigan mol-mulk va er soligi учун белгилanadiган прогноз kўrсаткичlaridan keliб чиқib, 10 фоизини «Махалла бюджет» жамғarmalari ni шакllantiriшga ўyналтириш kўzda тутилганлиги инобатга олинисин.

12. Туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosari A. Юнусов, туман Иқтисodиёт ва молия bўlimi (И. Акбаров), туман солик инспекцияси (И. Марайимов) биргаликда Қўштепа туманининг 2024 йилги maҳalliy бюджетi loyihasi belgilaш, бюджет mablaғlari тақsimlovchilarni ўz vaqtida samarali bajariliшинi tayminlasinlar.

13. Белгилansinki, tuman maҳalliy бюджетining қўshimcha manbalari ҳisobidan amalga oshiриladigan tадbirlar dastlabki tarzda uшbu tадbirlarни umumlashituvchi tuman komissiyasi tomonidан kуrib чиқiladi, komissiya xulosasi xalq deputatlari tuman Kengashiga taқdim этиб boriladi.

14. Туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosari A. Юнусов, туман иқтисodиёт ва молия bўlimi (И. Акбаров) биргалиkda maҳalliy бюджетning қўshimcha manbalari ҳisobidan amalga oshiриladigan tадbirlarни umumlashituvchi tuman komissiyasi iшини samarali tashkil этиб борисин ҳamda tuman maҳalliy бюджетning қўshimcha manbalari, jumladan, daromadlар режасини oshiриb bajarilgan қисmidan foydalaniш.

йўналишлари бўйича ҳар чорак якун билан халқ депутатлари туман Кенгашiga ахборот киритилишини таъминласин.

15. Туман иқтисодиёт ва молия bўlimiga (И. Акбаров) бюджетдан ажратилган маблағlari makсадli ishlatiлишини назorat қiliш ва amalga oshiриadgan ishlar юzасидan ҳar чоракда xalq deputatlari tuman Kengashiga sessияlariда aхborot berib borish vазifalari юklatisin.

16. Туман бюджет mablaғlari tақsimlovchilar ҳar yili 15 январ кунига қадар бюджет mablaғlari ning samarali va makсадli sarflangangligi, haражатlарнинг amalliy natижalari юzасидan йillik faoliyati тўғrisida Xalq deputatlari tuman Kengashiga ҳisobot berib borisin.

Бунда, туман бюджет mablaғlari ni тақsimlovchilar:

- ўз тасарrufidagi tizimda бюджет intizomiga amal қилиниши устидан назorat қiliш;

ўзларининг ва тасарrufidagi tashkiilotlarning жамланма haражатlар sметasi va штат жадвалari, haражатlар sметasi va штат жадвалari, жамланma дарomadlар va haражатlар smetalarinинг тўғri tuziliши;

бюджетдан ажratilgan mablaғlarpdan makсадli va samarali foydalaniш, xususan, ish haqasi va unga tenglashirilgan tўlovlар, ozikovqat, dori-darmoN, kommunal xizmatlari va давлат dasturlari учун belgilaш, haражатlар tўliк режalashitiliши ва ўз vaқtiда tўlaniши;

давриj жамланma moliavij ҳisobotlari тўғri shakllantiriлиши ва ўз vaқtiда taқdim этиliши учун шахsan masъul эканliklari belgilab kуйilsin.

17. Туман ҳokimligi aхborot xizmati (E. Kosimova), tuman solik инспекцияsi (И. Марайимов), tuman iқtisodiyet va molia bўlimi (И. Акбаров) bilan birgaliyida ommavij aхborot vositalariда, ҳokimlik muassisligidagi gazetada Қonun-da belgilaш, aйrim soliklar va tўlov stavkalari, solik solisi tартиblari ҳamda boшqa maъlu-motlarni эъlon қiliшини ҳamda ҳokimlikning расмий web-saitiga жойлашitiliш.

18. Mazkur қaror tегишили ommavij aхborot vositalariда ёритiliши tавсия этиlsin ҳamda tuman ҳokimliginинг расмий web-saitiga жойлашitiliш.

19. Ushbu қaror расмий эълон қилинган kундан boшlab кучga kиради.

20. Mazkur қaror bajariliшинi назorat қiliш xalq deputatlari tuman Kengashining maҳalliy бюджетni shakllantiriш ва ijro этиш, iқtisodiy isloҳotlari amalga oshiриш va тадbirkorlikni rivojlanтириш masalalari доимий komissiya ҳamda tuman ҳokiminинг molia-iktisodiyet ва kambaғallikni қisқartiriш masalalari bўyicha biринchi ўrinbosari A. Юnusov zimmasiga юklatisin.

Кенгаш raisi I.V. NOVIKOV

Газетамизнинг ўтган йилги охирги сонида ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг олтмиш иккинчи сессиясида туман маҳаллий бюджетининг ўтган йилги ижроси, янги йилдаги тақсимотининг асосий кўрсаткичлари ҳақида туман молия бўлими мудири Иброҳимжон АҚБАРОВнинг маъруzasи муҳокама қилиниб, тасдиқланган ҳақида хабар берган эдик. Ҳокимият фаолиятигининг очиқлигини таъминлаш мақсадида қўйида маъруза матни тафсилотлари ёритилмоқда.

Маъруза аввалида 2023 йилда бюджет даромадлари аниқланган режаси 177,4 миллиард сўм бўлиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йил якунидаги унинг ижроси 178,8 миллиард сўмга, режага нисбатан 1,4 миллиард сўм орттирилган ҳолда 100,7 фоизга бажарилиши кутилаётгани таъкидланди. Шундан маҳаллий бюджет даромадлари 72,6 миллиард сўмни ташкил этиб, йил якунидаги унинг ижроси 76,7 миллиард сўмга, режага нисбатан 4,1 миллиард сўмга орттирилган ҳолда 105,6 фоизга бажарилиши кутилаётгани айтилди.

Нотик 2024 йил Давлат бюджетини шакллантириша солик сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида алоҳидаги майлумот бериб, асосий солик турлари бўйича солик ставкалари ўзгаришсиз қолдирилганни майлум қилди:

-фойда солиғининг базавий ставкаси 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз, ижтимоий солиқ 12 фоиз (бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз), айланмадан олинадиган соликнинг базавий ставкаси 4 фоиз, кўшилган қўймат солиғи ставкаси 12 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз микдорида сақлаб қолнади;

-маҳаллий цемент ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат-бардошлигини сақлаб қолиш мақсадида ер қаъридан фойдаланганлик учун цемент ишлаб чиқаришга мулжалланган оҳактош бўйича белгиланган ставка 1 тоннаси учун 6 минг сўм белгиланмоқда (амалда 22,5 минг сўм эди).

Соғлом турмуш тарзи ва табиатни асрарни рағбатлантириш доирасида бир қатор тақлифлар кирилмоқда. Жумладан, 2024 йил 1 апрелдан таркибида шакар мавжуд бўлган газланган ичимликларнинг 1 литри учун 500 сўм, энергетик ва тетиклантиручи ичимликлар 1 литри учун 2000 сўм микдорида акциз солиғи жорий этилмоқда. Ушбу акциз солиғидан тушган маблағлар тўлигича тиббиётни ривожлантириш жамғармасига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Жаҳон Соғликни сақлаш ташкилоти таркибида шакар ва бошқа турдаги ширинлантиручи моддалар кўшилган газланган алкоголсиз ичимликларни кўп истеъмол қилиши, қандли диабет, кариес каби касалликларни кўпайишга сабаб бўлишини инобатга олиб, уларга қўшимча солик киритишни тавсия этган.

2024 йил 1 июлдан бошлаб автомобил шиналарининг бир донаси вазнидан келиб чиқсан ҳолда базавий ҳисоблаш микдорининг 0,3 фоизи (990 сўм) микдорида утилизация ийғимини жорий этиш тақлиф қилинмоқда. Ушбу ийғимдан келиб тушган маблағлар ҳисобидан атроф мухитни муҳофаза қилиш ва "Яшил макон" дастури доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш

режалаштирилмоқда. Бунда, шиналарнинг ўртача вазнидан келиб чиқсан ҳолда утилизация ийғимни микдори енгил автомобиллар шиналарига 6,2 минг сўмдан 16,2 минг сўмга, юк автомобиллар шиналарига 11,3 минг сўмдан 58,8 минг сўмгачани ташкил этади.

</div

Расулуллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан



Хурмони оч қоринга наҳорда
енглар, чунки у қуртларни
ўлдиради.

Ибн Аббос
(розияллоҳу анхумо)дан
Дайламий ривояти.

Ҳар бир маст қулиувчи ичим-
лик ҳародмидр.

Бухорий ва Муслим
ривояти.

Жам бўлиб овқат енглар.
Тарқоқ бўлиб еманглар. Чунки
барака тўпланиб еганлар
билин биргадир.

Ибн Можса ривояти.

Таомларингизни тортиб
ўлчанглар, шунда сизларга
барака ҳосил бўлади. (Яъни,
маълум ҳисобда рўзгорга
кетадиган нарсалар расама-
дини қилишга буюрilmоқда.
Чунки иқтисод қилиш ҳаёт
кечиришнинг ярмидир).

Муслим ривояти.

Дунёда ғариб кишидек ёки
мусофирик бўл. Ибн Умар:
“Агар кечлатсанг, тонг оти-
шини кутма. Агар тонг от-
тирасанг, кеч бўлишини кутма.
Касаллигинг учун соғлик пай-
тингда, ўлиминг учун ҳаётлик
чоғингда ҳаракатинги қилиб
қол”, дер эдилар.

Ибн Умар
(розияллоҳу анхумо)дан
қилинган ривоят.

Ҳикматли сўз мўминнинг
йўқотган нарсасидир. У ҳик-
матли нарсани қаерда тона,
ӯшани олишга ҳаётидир.

Абу Ҳурайра
(розияллоҳу анху)дан
қилинган ривоят.

Кавсар жаннатдаги дарё-
дир. Иккى қурғоги тилладан.
Дур ва ёқут устидан оқади.
Тупроғи мушки анбардан ҳам
хушбўйdir. Суви асалдан ҳам
мазали, қордан ҳам оқдир.

Ибн Умар
(розияллоҳу анхумо)дан
Ибн Можса ривояти.

Нафсини бўйсундириб,
ўлимидан кейинги нарса учун
амал қилган киши оқидир.

Ҳавои нафсига эргашиб,
Аллоҳдан омонликни талаб
қилган киши эса ожиздир.

Термизий ривояти.

“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шариғларда
одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент-2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра ўигилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ЎТГАН ЙИГИТЛИК ОРЗУ БИЛАН ҚАЙТМАС

Сизларда йигитлик куч-қуввати бор
экан, уни зое кетказмасдан бурчингиз-
ни бажаришга сарфланг.

Юсуф ХОС ҲОЖИБ

Бўлар одам ёшида бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

Амир ТЕМУР

Ақлли ёш—кекса жоҳилдан яхши-
роқдир.

Йигитлик умр гулшанинг баҳоридур.

Ўтган йигитлик орзу билан қайтмас.

Алишер НАВОЙИ

Ёшлиқдин маълум ўлғай ҳар насл,
Ки баҳоридин билингай яхши йил.

Рожий ҲҮҚАНДИЙ

Сучук жон шарбати то бўлса лабда,
Керакким бандаси бўлса талабда,
Белингнинг қуввати борда олиб бел,
Кўнгил боғин сугор кетмай туриб
сел.

Сўфи ОЛЛОЁР

Ёшлиқ тошқини сув, сугорадиган
экинингизни сугориб қолмасангиз ўтиб
кетади. Кейин кексаликнинг кўзойна-
гини тақиб игна билан қудук қази-

дан иш чиқмайди.

Абдулла ҚАҲХОР

Қадами заминни титратган қудрат—
ёшлиқ, қаноти самовотни забт этган—
ёшлиқ!

Ёшликсиз олам—баҳорсиз табиат,
қуёшсиз осмон, юлдузсиз кеча.

Эркин ВОҲИДОВ

“Инсоний фазилатлар ҳақида
ҳикматлар”дан.

“Янги аср авлоди”.
Тошкент-2019 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар ЯХШИ НИЯТ—ЯРИМ ДАВЛАТ

Ота-боболар кишига турмуш кечириш юзасидан
панд-насиҳат қиларканлар, ҳаётда умидсизланмас-
лик, руҳни тетик тутиб, кўнгилга яхши ниятларни,
орзу-истакларни жо қилган ҳолда келажак сари дадил
бориш зарурлигини ўқтирадилар. “Яхши ният—ярим
мол”, “Ниятинг—йўлдошинг”, “Бугунги ният—эртанги
ҳақиқат”, “Кечани сўзлама, бугунни сўзла, бугун ҳам
утар, эртани кўзла”, “Эскини сўзлагунча, янгини кўз-
ла”, “Бугунни бир ўйласанг, эртани икки ўйла”, “Хаёл-
га келмаса, вужудга келмас”, “Юракда бўлса, билакда
билинади”, “Ҳавас билан ғайрат ўлчанади”, “Тоғни
тиласанг, тепадек беради”, “Яхши ният билан бирор
нарсага етишмоқни орзу қилмоқ—яхши”, деган маъно-
да насиҳат қиласидилар.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент-1990 йил.

ВАТАН МАНЗИЛЛАРИ



Кўхна Шарқ дарғалари



Ҳаёти...

Ўтга Осиё мўгуллар тарафидан
истило қилинган XIII-XIV асрларда
босқинчилар таҳқир ва таъқиби
қарамай, ўз она тилида ижод қилган
шоир, ёзувчи ва таржимонлардан
билинган Сайфи Саройидир.

Сайфи Саройи 1321 йили Хоразмнинг
Қамишли деган жойида ҳунар-
манд-қуролсоз оиласида дунёга ке-
лади. Дастробки билимни ўз юртида
олган Сайфи ўқишини давом эттириш
учун Олтин Ўрда давлатининг маркази
Сарой шаҳрига боради. Бу ерда у
кунт билан ўқииди, шоир сифатида
танилади.

Лекин ўзаро феодал урушларнинг
авж олиши, таҳт-тоҷ учун кураш-
нинг кучайиб кетганлиги туфайли у

юртини тарқ этади. Сайфи Саройи
ўмрининг охирги йилларини Мисрда
ўтказиб, тахминан 1396 йили шу ерда
вафот этган.

Унинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси
ҳали мукаммал ўрганилмаган. Адаб
меросини тўплашда филология фан-
лари номзоди Насрулло Даврон анча
хайрли иш қилган. Бизгача шоирнинг
бир қанча ғазал, қасида, робоий ва
маснавийлари, “Суҳайл ва Гулдуру-
сун” достони етиб келган. Бундан
ташқари Сайфи Саройининг 1391
йили Мисрда Саъдийнинг “Гулистон”
асарини ўзбек тилига таржима қил-
гани ҳам маълум. Бу Саъдий асари
нинг туркий тилларга илк таржимаси
бўлиб, алоҳида қимматга эга. Чунки,
таржимон асл нусха матнига эркин-
роқ, ижодий ёндашган: асар услуби-
ни ўзбек насрига, ҳалқ ҳикояларига
яқинлаштирган, бир хил мазмун ва
ғояга эга бўлган ҳикоялардан баъзи-
ларини тушириб қолдирган; муқад-
дима, хотима тарзда, наср оралиғида
келадиган панд-ҳикмат характеристи-
даги шеърларни кўпинча ихчам-
лаштирган, айрим ҳолларда ўзидан
янги байтлар қўшган. Аммо бу ўзgartи-
ришлар Саъдий асарининг туб моҳи-
ятига зарар етказмаган. Таржима
буюк санъаткорнинг ҳалқпарварлик,
адолатсеварлик, касб-ҳунарга, илмга
мехр қўйиш, ҳалолу пок, диёнатли,

САЙФИ САРОЙИ

хайр-эҳсонли бўлишга даъват каби
юксак ғояларини ўзбек ҳалқига яқин-
лаштиришга хизмат қиласиди.

Сайфи Саройи ўз шеърларида
яхшилиқ, гузаллик ва чин инсоний
севгини, ҳаётга муҳаббатни куйлади,
маърифтини тарғиб этди, кишиларни
реал ҳаётга, эл-юртига меҳр қўйи-
шга чорлади. Асарларида ўзига хос
ранг-баранг бадиий-тасвирий восита-
ларни қўллайди, ҳалқона ибораларни
ишлатади.

...Ҳикмати

Оқил ўз сўзин ўрнида сўзлагай,
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.

Сирингни кўнгулда сақлагил берк,
Мушфиқ сенга йўқ жаҳонда сентек.
Айтма деб ани бир кишига айтма,
Турмаским, ани эшитса тинч-тек.

Қил ҳазар душман сўзиндан, эй
рафиқ
Неким ул айтса, анинг аксини эт.

Аё, келган жаҳонга, эзгулик эт,
Ёмон ишни ёмонларга қўюб кет.

Ор кўрма билмагани сўрмага,
Сурмайинча илм ўрганмас киши.

“Кўхна Шарқ дарғалари”дан.
“Шарқ” нашириёт-матбаа
концерни бош таҳририяти.
Тошкент-1999 йил.